

Россия илдиэларига бориб такаладиган замонавий тарихнинг энг чиройли саҳифаларидан бири яна бир бор фашистлар Германияси ва коммунистик Россия ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ҳақиқатдан ҳам самимий бўлганлигини кўрсатади. 1940 йил 17 июнда Кремл иттифокчилари бўлган нацистларни ажойиб ғалаба билан табриклади, бу ҳақида телеграмма орқали элчи Шуленбург ўз раҳбариятига хабар қилди.

1940 йил 14 июнда Парижнинг ишғол қилиниши муносабати билан табрикни топиш мумкин бўлган ҳужжат 1940 йил 17 июндаги 167-сонли шошилишч телеграмма хизмат қилади, у "СССР — ГЕРМАНИЯ 1939-1941. 1939 йил сентябридан 1941 йил июлигача совет-герман муносабатлари ҳақида материаллар ва ҳужжатлар" китобининг 2-жилдида чоп этилган (VILNIUS, "MOKSLAS", 1989). Ушбу ҳужжат Германиянинг СССРдаги элчиси Шуленбургнинг Германия ТИВга № 35-телеграмма сифатида қайд қилинган. Қуйида ҳужжатнинг матни келтирилган:

Телеграмма

Москва, 1940 йил 18 июнь — 1.40
Олинди 1940 йил 18 июнь — 4.00

17 июнь № 1167

Жуда шошилишч!

Молотов бугун мени ўз кабинетига таклиф қилди ва совет ҳукумати номидан Германия қуролли қучларининг ажойиб муваффақияти муносабати билан мени энг самимий табриклади. Бундан ташқари, Молотов менга Болтиқбўйи давлатларига нисбатан советлар ҳаракатлари ҳақида хабар берди. У газеталарда эълон қилинган аргументларга ишора қилиб, Болтиқбўйи мамлакатларида Германия ва Совет Иттифоқи ўртасида ишончсизлик ва қелишмовчиликларни бартараф этишга уринаётган Англия ва Франциянинг барча фитналаридан воз кечиш зарурлигини таъкидлади. У ерда янги ҳукумат шакллантириш ҳақида музокаралар олиб бориш учун совет ҳукумати у ерда аккредитациядан ўтган фавқулодда ва мухтор вакилларга қўшимча равишда қуйидаги ваколатли шахсларни юборди: Литвага — Ташки ишлар халқ комиссари муовини Деканозов; Латвияга — Министрлар Совети вакили Вышинский; Эстонияга — Ленинград

партия етакчиси Жданов.

Сметонанинг қочиши ва [собик] Литва армияси бўлинмалари чегараларидан ўтиши туфайли Молотов Литва чегараси етарли даражада қўрикланмаяпти деб баёнот берди. Шу сабабли совет ҳукумати, агар талаб қилинса, Литва ҳукуматига чегараларни қўриклаш масаласида ёрдам беради.
Шуленбург"

Тушунарлики, Россиядаги фанатларнинг қўпчилиги бу ерда ҳеч қандай ғайри оддий нарсани йўқ деб айтади. Сталин эмас - Молотов, ва Гитлерга эмас - Шуленбургга, табрик телеграммаси жўнатган эмас – ўз ишчи кабинетига оғзаки тарзда табриклаган. Лекин кечириб қўйибсиз. Сиз СССР Ташки ишлар вазири Молотовнинг бу қадар илик табриклари Сталиннинг маъқуллашисиз айтилган бўлиши мумкинлигига ишонасизми? Албатта йўқ!

Бундан ташқари, ҳужжат қандай оқилона дипломатик айёрлик ва нозиклик билан тузилган эканлигига эътибор қаратинг.

Сталиннинг Ташки ишлар вазири нафакат иттифокдош мамлакат вакилини табриклади, балки Болтиқбўйи давлатларини босиб олишда эришган ютуқлари ҳақида ҳисобот берди!

1940 йил 17 июнда Кремл Гитлери 1940 йил 14 июнда Франция устидан қозонилган ғалаба билан чин дилдан табриклади, Молотов-Риббентроп битимининг қоидаларига қўра, Сталин Латвия ва Эстония ҳудудини босиб олган.

Абу Муслим таржимаси